

СУВ ОМБОРИ ТЎҒОНИНИНГ ГОРИЗОНТАЛ СИЛЖИШИ ВА  
ВЕРТИКАЛ ЧЎКИШИ (ДЕФОРМАЦИЯСИ)НИ ЎЛЧАШДА  
БАЖАРИЛАДИГАН ГЕОДЕЗИК ИШЛАР

**M.X.Ражсанбаев**

*"ТИҚҲММИ" МТУ катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада сув омбори тўғонининг горизонтал силжиши ва вертикал чўкиши (деформацияси)ни ўлчашда бажариладиган геодезик ишлар борасида таҳлилий натижалар баён этилган. Шу билан бирга гидротехник иншоотларини вертикал чўкиши ва горизонтал силжиши пойдеворга ва иншоотнинг ўзига табиий ва техноген омиллар таъсири юзага келиш сабаблари, ўлчаш муддатлари, геодезик ўлсаш усуллари, ўлчаш цикллари, чўкиш ва силжиш аниқлигининг ўрта квадратик хатоси каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** пойдевор, иншоот, деформация, схема, омиллар ва сабаблар, визир, чўкиш, силжиш, меъёр, нивелир, гидроузел, тўғон, сув омбори.

**Кириш.** Гидротехник иншоотларини горизонтал силжиши ва вертикал чўкиши пойдеворга ва иншоотнинг ўзига турли ҳил табиий ва техноген омиллар таъсирида юзага келади. Иншоотнинг чўкиши ва силжиши асосан улар пойдеворидаги тупроқ қатламининг ҳаракатига боғлик. Бу ҳаракатлар тик ва горизонтал ҳолатда юзага келади.

Пойдеворнинг чўкиши математик тавсифи пойдеворнинг бошланғич ва чўкиш содир бўлгандан кейинги текисликлари оралиғидаги тик кесма билан ифодаланади. Агарда бу кесмалар иншоот пойдеворининг барча бурчакларида тенг бўлса, бундай чўкиш бир текис чўкиш дейилади, агарда кесмалар тенг бўлмаса нотекис чўкиш ҳисобланади. Шунинг учун айтишимиз мумкинки, бир текисда чўкиш иншоотнинг барча қисмига бўлган ташқи муҳит таъсири бир ҳилда бўлган ҳамда пойдевор тагидаги төғ жинсларининг бир ҳилда сиқилиши натижасида юзага келиши мумкин. Бу ҳолат амалда кам учрайди.

**Муаммо.** Нотекис чўкишлар иншоот қисмларига турли хил таъсир кўрсатилиши ва тупроқнинг турлича сиқилиши натижасида юзага келади. Бу ҳолат иншоотларнинг оғишига, эгилишига ва бошқа хил ўзгаришларига олиб келади.



**1-ТОМ, 12-СОН**

Бу ўзгаришлар сезиларли даражада бўлганда иншоот пойдеворлари ва деворларида ёрилишлар пайдо бўлиши мумкин. Иншоотнинг ўз оғирлиги натижасида содир бўладиган чўкишлар тупроқ қатламининг сиқилиб бориши натижасида маълум вақтдан кейин тўхтайди. Бунда одатдагидек, қумли тупроқларда чўкиш катта тезликда ҳаракатланади ва тез тўхтайди. Лой тупроқли жойларда эса, тескари ҳолатда, яъни сезиларли бўлмаган тезликда бошланиб, кўп йиллар давомида тугамайди. Бир томонлама куч таъсирида (масалан, сув босими) иншоотларнинг горизонтал силжиши содир бўлади. Вертикал чўкиш ва горизонтал силжишни кузатиш, иншоот қурилиш бошлангандан, токи ундан фойдаланиншнинг биринчи йилларигача давом эттирилади. Бунда кузатиш босқичлари бир оралиқларда олиб борилишига ҳаракат қилинади. Иншоотлар пойдеворлари ва конструксияларининг силжиши ва чўкишини геодезик кузатиш маҳсус техник вазифага биноан бажарилади. Улар қўйидагича:

- иншоотларнинг кузатилиши керак бўлган қисмлари
- бошланғич реперлар ва чўкиш маркаларининг жойлашиши
- кузатиш даврийлиги
- талаб қилинган аниқлиги
- ҳисобот ҳужжатларининг рўйхати.

**Таҳлил.** Пойдевор ва иншоот деформациясини кузатиш натижалари, иншоотларнинг қанчалик мустаҳкамлигини аниқлашга ҳамда чўкиш содир бўлишининг олдини олишга имкон беради.

Деформацияни юзага келиш сабабларини айтадиган бўлсак, юқорида айтилганидек, пойдеворлар деформацияси унга табиий ва техноген омиллар таъсири натижасида юзага келади (1-расм).





### 1-расм. Деформацияни юзага келиш омиллари ва сабаблари схемаси

Шу билан бирга иншоот деформациясига пойдевор шакли, ўлчамлари ва мустаҳкамлиги ҳам таъсир қиласи. Иншоотлар ва улар пойдеворларининг чўкишини кузатиш учун қуидаги геодезик усуллардан фойдаланилади:

- қисқа визир чизиқли (25 м гача) геометрик нивелирлаш;
- қисқа визир чизиқли (100 м гача) тригонометрик нивелирлаш;
- гидростатик ниелирлаш;
- фотограмметрик ва стереофотограмметрик план олиш.

Чўкишнинг абсолют қийматини аниқлаш учун бошланғич деб қабул қилинган реперда нивелирлаш амалга оширилади.

Нисбий чўкишлар иншоотнинг нуқталари орасидаги ўлчашлар фарқидан олинади. Чўкишни кузатища энг кўп қўлланиладиган усул юқори аниқликдаги геометрик нивелирлаш ҳисобланади. Нивелирлаш чўкиш маркалари деб қбул қилинган белгилар бўйлаб амалга оширилади. Бу белгилар иншоот пойдеворига



**1-ТОМ, 12-СОН**

ўрнатилган бўлиб, улар иншоот билан бирга тавсифланади, демак уларни кузатиш орқали иншоотнинг алоғида қисмлари чўкишини аниқлашимиз мумкин.

Чўкиш маркалари кузатилаётган иншоотдан маълум масофада, чўкиш чегараларидан ташқарида жойлашган реперлар тармоғига нисбатан аниқланади. Бу реперларнинг баландлик ҳолатлари барқарорлиги чўкишни қуатиш давомида сақланиб қолиши керак. Иншоотлар қисмларининг ва конструкцияларининг горизонтал силжиши қўйидаги усуллар ёрдамида ўлчанади: створ ўлчашлар; алоҳида йўналиш ва геодезик кестирмалар, триангуляция, полигонометрия, стереофотограмметрик план олиш усуллари.

Кўзғалмас деб қабул қилинган асос пунктларига нисбатан аниқланган силжиш абсолют горизонтал силжиш деб қабул қилинади. Иншоотнинг қандайдир нуқтасига нисбатан силжиши нисбий силжиш деб аталади. Кўчишни кузатишида энг кўп қўлланиладиган усул юқори аниқликдаги геометрик нивелирлаш ҳисобланади. Нивелирлаш чўкиш маркалари деб қабул қилинган белгилар бўйлаб амалга оширилади.

Қурилиш меъёри ва қоидаларига асосан иншоотлар қисмларининг горизонтал силжишини кузатиш қўйидаги аниқликда бажарилиши талаб қилинади:

1 мм – тошлоқ ва ярим тошлоқ жойларда қурилган иншоотлар учун;

3 мм – қумлоқ тупроқ ва бошқа сиқилувчан тупроқда қурилган иншоотлар учун;

5 мм – тошлардан қўтарилилган юқори босимли плотиналар учун;

10 мм – кўмма, чўкувчан ва кучли сиқилувчан тупроқларга қурилган иншоотлар учун.

Горизонтал силжишини ўлчаш муддатлари тупроқ хусусиятига, иншоот турига ҳамда қурилиш монтаж ишларига боғлиқ ҳолда белгиланади. Кузатишининг биринчи босқичида ўрнатилган кузатиш белгилари ҳолати барқарорлашгандан кейин ва иншоотга ҳали горизонтал куч таъсир этмасдан бажарилади. Ўлчаш 2-3 марта амалга оширилади.

Иккинчи босқичда кузатиш ишлари иншоотга куч таъсир этиш бошланиши билан бирдан бажарилади. Кейинги ўлчашлар иншоотга таъсир этувчи кучлар ортиб боришига боғлиқ ҳолда ўтказилади. Иншоот фойдаланишга топширилгандан кейин унинг мустаҳкамлигини текшириш учун йил давомида 1-2 марта силжиши текшириш ишлари амалга оширилади. Кузатиш асосан баҳорда ёки кузда температура ва ер ости сувлари сатҳи ўзгариши даврида



**1-ТОМ, 12-СОН**

бажарилади. Горизонтал силжишни кузатиш ишлари унинг қиймати 1-2 ммни ташкил этгунга қадар амалга оширилади. Кузатиш маркалари иншоот периметри бўйлаб 20 м оралиқда таъсир этувчи куч катта қийматга эга бўлганда 10-15 м оралиқда ўрнатилади. Гидрометрик иншоотларга силжишини кузатиш маркалари ҳар бир сексияда камида 2 тадан ўрнатилади.

Кузатишларнинг асосий мақсади иншоот барқарорлигини баҳолаш мақсадида вертикал чўкиш ва горизонтал силжишни аниқлаш, иншоотнинг рисоладагидек ишлаши учун тегишли чораларни кўришдан иборат. Бундан ташқари кузатиш натижалари асосида лойиҳанинг қанчалик тўғри эканлиги текширилиб, вертикал чўкиш ва горизонтал силжиш жараёнини олдиндан айта олишга имкон берувчи вертикал чўкиш ва горизонтал силжиш жараёни қонуниятлари ишлаб чиқилади. Бу масалаларнинг барчаси етарлича аниқликда ташкил қилинган мумтазам кузатишлар натижалари ёрдамида бартараф этилиши мумкин.

Нивелирлаш икки сатҳда тўғри йўналишдаги ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Визир нури узунлиги 25 м дан ошмаслиги лозим, баландлиги эса ер сатҳидан 0,8м кам бўлмаслиги лозим; бино ертўлаларида ишлашга тўғри келганда эса шунга мос равища 15 м ва 0,5 м бўлиши лозим. Нивелирдан рейкаларгача бўлган масофа 0,4 м дан ошмаслиги, умумий ҳолатда эса, 7 м дан ошмаслиги лозим. Рейкаларни вертикал ўрнатиш учун 10-12 м оралиқли доиравий адилаклардан фойдаланилади. Оралиқ шкалалар ва бутун шкаладаги хатоликлар 0,15 мм дан ошмаслиги лозим.

II синф нивелирлаш ўрта квадратик хатосии 2 мм гача бўлган иншоотлар чўкишини кузатишда қўлланилади. Фойдаланиш усулининг хусусияти: нивелирлаш H1 ва H2 типидаги нивелирлар билан бир сатҳда туғри ва тескари йўналишда амалга оширилади, визир нури узунлиги 30 м гача, баландлиги эса ер сатҳидан 0,5 мдан кам бўлмаслиги лозим. Нивелирлардан рейкагача бўлган масофадаги фарқлар 1 м гача умумий ҳолда 3-4 м дан ошмаслиги керак [16].

III синф нивелирлаш ўрта квадратик хатоси 5мм ни ташкил этадиган тепалик ва чуқур ерлардаги иншоотларни кузатишда қўлланилади. Унинг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат. Нивелирлаш H3 маркадаги нивелирда сантиметрларга ажратилган икки томонлама (инвар) рейкаларда амалга оширилади. Визир нури узунлиги 40 м дан ошмаслиги, ер сатҳидан баландлиги эса 0,3 м дан ошмаслиги керак.



**1-ТОМ, 12-СОН**

Махсус нивелирлаш ишлари иншоотларнинг горизонтал силжишини аниқлашда кузатишларни ташкил этиш, геодезик белгилар, назорат маркалари ва таянч белгилари, иншоотларни горизонтал силжишини геодезик ўлчашлар орқали аниқлаш ва иншоотнинг силжишини аниқлаш усулларида қўлланилади.

**Натижа.** Қатор сабабларга қўра, чўкишини аниқлаш учун гидроузелларда қўлланиладиган нивелирлаш усули давлат йўриқномаси билан тавсия этиладиган усулидан фарқ қилиши мумкин: нивелирлаш, одатда доимий мустаҳкамланган боғловчи нуқталар бўйича бажарилади, визир нурининг узунлиги қўшни маркалар орасидаги масофа билан чегараланган, нивелир ва рейкаларни ўрнатиш жойларининг режасини тузиш ва мустаҳкамлаш олдиндан ўтказилади ва х.к. Гидроузеллар чўкишини кўп йиллик кузатиш тажрибалари гидротехник нивелирлашнинг 3 та синфга ажратиш имконини беради, уларнинг тавсифи 1 – жадвалда келтирилган.

**1 – жадвал**

<b>Нивелирлаш синфи</b>	$m_{cm}$ , мм	<b>Тўғри ва тескари юриш (қадам)ларнинг чегара тафовути, мм</b>	<b>Станцияда ўлчаш ҳажми</b>
I	0,08	$0,3\sqrt{h}$	Асбобнинг иккита горизонтида тўғри ва тескари
II	0,13	$0,5\sqrt{h}$	Асбобнинг битта горизонтида тўғри ва тескари
III	0,40	-	Асбобнинг битта горизонтида битта йўналишда

Изоҳ:  $m_{cm}$  – станцияда ортиқчаликнинг ўртача квадратик хатоси (барча ўлчашлардан);  $h$  – юришда станциялар сони.

Ер ости плотиналарининг чўкишини кузатишда, сурилма ва юқори аниқлик талаб этилмайдиган бошқа қатор ҳолатларда давлат йўриқномаси билан тавсия этилган III ва IV синф нивелирлаш қўлланилади.



## 1-ТОМ, 12-СОН

Усул (ёки методларни) танлаб, унинг учун кузатиш методикаси ишлаб чиқилади. Методика деганда, ўлчаш бирликларини аниқлаш учун ҳатти-харакатлар йиғиндиси тушунилади (станциядаги ошиш, пунктдаги бурчак, оралиқ узунлиги ва х.к.). Ўлчашнинг ҳар бир синфи (разряди)га тегишлича ўз методикаси мос келади. Синфнинг ва шу билан бирга методиканинг асосий тавсифи ўлчаш бирлигининг ўртача квадратик хатоси ҳисобланади.

Умумий кўринишда кузатиш методикасини ишлаб чиқишининг асосий босқичлари қуидагилар ҳисобланади:

- тўр (тармоқ) чизмасини тузиш;
- ўлчаш бирликлари хатосини ҳисоблаш;
- ўлчаш синфини танлаш ёки методикани ишлаб чиқиш;
- воситалар ва жиҳозларни танлаш.

Тўр чизмасини йирик масштабли топопланлар бўйича, шунингдек иншоотлар тархи бўйича ташкил этилади. Тўр чизмаси шундай тарзда тузилиши керакки, у иншоотлар деформациясини энг кам муддат ва маблағлар билан аниқлашга имкон бериши лозим.

Чизма бўйича тўрнинг назорат пунктлари жойлашган бўлиб, унинг координаталари (ёки белгилари) бошланғич пунктларга (реперларга) нисбатан  $m_0$  энг катта хатолик билан аниқланади. Модомики, барча циклларда одатга кўра, ўлчашлар тенг аниқлиқда ва тўр чизмаси доимий бўлиб қолар экан  $m_0$  хатолик қуидаги қийматдан ошмаслиги керак

$$m_0 \leq m_s / \sqrt{2}, \quad (1)$$

бу ерда  $m_C$  – иншоотлар деформациясини аниқлашнинг берилган хатолиги.

Масалан, агар чўкишнинг  $m_C$  хатолиги 1,00 мм ни ташкил этса, унда тўрнинг энг заиф жойида жойлашган марка белгисини аниқлаш хатолиги 1,0 mm:  $\sqrt{2} = 0,7$  mm қийматдан ошмаслиги керак.

$m_0$ ни билиб туриб, ўлчаш бирлигининг (бурчак, станциядаги ортиқчалик ва х.к.)  $m_{0p}$  хатолигини ҳисоблаш мумкин.

$m_{0p}$  ни билиб туриб, қўлланма, йўриқнома ва х.к.да кўзда тутилган ўлчашлар синфини (методикасини) танлаш мумкин. Масалан, агарда тўрда станциядаги ортиқчаликни 0,13 mm хатолик билан аниқлаш керак бўлса, унда бу гидротехник нивелирлашнинг II синфига мос келади ҳамда уни лойихаланган баландлик тўридаги ўлчашлар учун тавсия этиш мумкин. [6]



**1-ТОМ, 12-СОН**

Вертикал чўкиш ва горизонтал силжишларни кузатишида кўпинча ўлчаш разрядлари ёки синфлари (створ, фотограмметрик, шоқул (отвес)лар бўйича ўлчашлар ва х.к.) бўлмаган методлар ҳам қўлланилади. Йўриқномада тавсия этилган ўлчаш синфлари (триангуляция, полигонометрия) тўғри келмайдиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда ўлчаш бирлигининг  $m_{\delta p}$  хатолигидан келиб чиқиб, маҳсус методикани ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келади. Бундай ишланма қуидагиларни ўз ичига олади:

- воситалар ва жиҳозларни танлаш, уларни текшириш ва тадқиқ қилиш зарурияти ва частотасини ўрнатиш;
- бурчак, оралиқ ва ҳ.к.ларни ўлчаш усуллари миқдорини ҳисоблаш; ўлчашларда чекли (рухсат этилган)ларни ўрнатиш;
- дала ўлчашлари натижалари аниқлигини баҳолаш методикаси ҳамда тенгглаштириш усулларини танлаш.

Гидротехник иншоотлар ва уларнинг асослари горизонтал силжишини ва вертикал чўкишини кузатиши даврий алоҳида цикллар (даврлар) билан, муайян муддатларда бажарилади. Ўлчаш цикллари (даврлари) иш ҳажми ва бажарувчилар сонига боғлиқ ҳолда бир неча соатдан, бир неча кунларгача чўзилиши мумкин. Кузатишлар сифати учун ўлчашлар мумкин қадар тезроқ бажарилиши муҳим.

Курилиш даврида кузатишларни бажариш муддатлари иншшотни ишга тушириш ва сув омборни тўлдириш (масалан, сув сатҳи 10-20 м кўтарилиш орқали цикллар ва х.к.) босқичлари билан мос равишда олиб борилиши керак. Фойдаланиш даврида циклларни ҳар йили бир хил шароитларда (масалан, баҳорда ёки кузда), сув омборда бир хил сув сатҳи шароитида бажаришга ҳаракат қилинади. Ушбу ҳолатда мавсумий деформациялар, шунингдек тизимли характердаги қатор хатоликлар вертикал чўкиш ва горизонтал силжишлар камайиш (тўхташ) жараёнини ўрганишни мураккаблаштирмайди.

Кучи 4-6 балл ва ундан ортиқ ҳар бир ер қимирандан кейин навбатдан ташқари ўлчаш цикли бажарилади.

Кузатишлар муддати ва даврийлиги ҳар бир иншоот учун алоҳида ўрнатилади. Уларни кўргазмали қилиб маҳсус графикда (циклограммада) кўрсатиш мумкин.

Вертикал чўкиш ва горизонтал силжишни тегишли аниқликда аниқлашни ўрнатиш муҳимлиги шубҳасизdir. Шунга қарамай, бугунги кунда ушбу вазифа қатъий математик ечимга эга эмас ва адабиётларда, шу жумладан норматив



**1-ТОМ, 12-СОН**

адабиётларда ҳам бир хил объектлар вертикал чўкиш ва горизонтал силжишини ўлчаш аниқлиги тўғрисида турли фикрлар мавжуд.

2 – жадвалда чўкишлар ва силжишларни аниқлашнинг ўртacha квадратик хатоликлари тавсия этилган. Улар турли хил гидротехник иншоотлар ва уларнинг асосларини ҳозирги пайтда кузатишлар вазифалари ва геодезик методлар имкониятлари орасида шаклланган мувофиқликлар, шунингдек ҚМҚ III-2-75 талабларини ҳисобга олган ҳолда кузатишларнинг республикамиз ва хориж тажрибаларини умумлаштиришлар асосида олинган.

**2 – жадвал**

Кузатиш объектлари	Деформацияни аниқлашнинг ўртacha квадратик хатолиги, мм	
	Чўкиш	Силжииш
Қоятош асосдаги бетон иншоотлар	1	1
Сиқилувчан грунтдаги бетон иншоотлар	2	2
Ер қазиш иншоотлари:		
қурилиш даври	10	5 – 10
фойдаланиш даври	5	3 – 5
Курилиш котловани тубининг кўтарилиши:		
қоятош грунтлари	1 – 2	-
сичилувчан грунтлар	5	-
Сурилмалар	30 – 50	10
Қоятош массивининг ўпирлиш хавфи мавжуд участкалари	1 – 2	1 – 2

Нисбий вертикал чўкиш ва горизонтал силжишни мониторинг қилиш аниқлиги бир неча марта юқори бўлиши керак. Уларни аниқлаш хатолиги одатда бетон иншоотлари ва уларнинг асослари учун 0,2 – 0,3 мм ҳамда ер қазиш иншоотлари учун 0,5 – 1,5 мм ни ташкил этади.

Келтирилган хатоликларни барча объектлар ва вертикал чўкиш ва горизонтал силжишлар учун ўзгармас сифатида қараш керак эмас. Қатор ҳолатларда, сезиларли вертикал чўкиш ва горизонтал силжишларда уларни



аниқлаш хатоликлари масалан, арка плотинаси чеккасидаги (тарофидаги) калитда жойлашган нұқталар учун қўпайиши мумкин. Кейинчалик силжишларнинг катта қийматларида уларни ўлчаш аниқлигини камайтириш мумкин.

**Хуроса.** Курилиш меъёри ва қоидаларига асосан иншоотлар қисмларининг горизонтал силжишини кузатиш тошлоқ ва ярим тошлоқ жойларда қурилган иншоотлар учун 1 мм, қумлоқ тупроқ ва бошқа сиқилувчан тупроқда қурилган иншоотлар учун 3 мм, тошлардан кўтарилган юқори босимли плотиналар учун 5 мм ҳамда қўмма, чўкувчан ва кучли сиқилувчан тупроқларга қурилган иншоотлар учун 10 мм қийматдан ошмаслиги лозим эканлиги аниқланди.

### **REFERENCES**

1. Бакиев М., Рахматов Н. Гидротехника иншоотларидан ишончли ва хавфсиз фойдаланиш // Ёшлар нашриёт уйи. Тошкент. 2020. -Б. 250.
2. Bakiev M.R. River bed regulation by cross combined dikes. Study of streams and water sheds of high hydraulic irregularity. XXIV Jahr congress (Madrid) pp 9-13.
3. Истомина М.Н. Комплексная оценка крупных наводнений в мире и их негативных последствий Дисс. к.г.н. Москва 2005
4. Бакиев М.Р. Совершенствование конструкций, методов расчетного обоснования и проектирование регуляционных сооружений, Автор. докт. диссерт., М., 1992, 57 с.
5. Bakiev M.R. River bed regulation by cross combined dikes. XXIV JAHR congress Madrid a study of streams and water sheds of high hydraulic irregularity, 9-13 september, 1991, MADRID/ESPAÑA.
6. MR Bakiev, TN Tursunov, NT Kaveshnikov. Operation of hydraulic structures. Tashkent, 2008, 320c.
7. MR Bakiev, EI Kirillova, R Hujaqulov. Safety of hydraulic structures. TIM, 2008, 110c.
8. Masharif Bakiev, Uktam Kaxxarov, Azizjon Jakhonov, Otanazar Matkarimov. Kinematic characteristics of the flow, in the compression region, with bilateral symmetric restriction by floodplain dams. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. 072017. 2020/6/1. 869 (7)
9. Бакиев М. Р., Давронов Г. Т., Файзиев А. В. ва б - Р. Төғ олди зоналаридаги сув омборлари эксплуатацияси ишончли мезонлари. Илмий-ишлаб чиқариш конференциясининг илмий маъruzалари тўплами. Тошкент -2002.



**1-TOM, 12-SON**

10. Бакиев М. Р., Давронов Г. Т., Файзиев А. В. ва б. Тоғ олди зоналаридаги сув омборлари эксплуатацияси ишончли мезонлари. Илмий-ишлаб чиқариш конференциясининг илмий маъruzалари тўплами. Тошкент -2002.

11. Бакиев М.Р., Турсунов Т.Н., Дурматов Ж. “Сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация хизмати ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар” Тошкент, 2006 й. – 23 б.

12. Гаппаров Ф.А., Содиков А.Х. Сув омборларини техникавий эксплуатацияси бўйича намунавий йўриқнома. Тошкент, 2007 й. – 75 б.

